

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**283** Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга  
соатбай ҳақ тўлаш миқдорларига қўшимча киритиш  
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
21 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2834-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 19 октябрдаги 5-2016, 12-мх, 34-қ/қ-сон қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 508-модда) билан тасдиқланган Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларининг изоҳи қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«3<sup>1</sup>. Академик лицейларга ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб боровчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**Р. КАСИМОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 17 апрель,  
1-2017-сон

**16 (776)-сон**

**Халқ таълими вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 17 апрель,  
23-сон

**Меҳнат вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 17 апрель,  
10-қ/қ-сон

*Молия вазири*

*2017 йил 17 апрель*

— 115 —

**283-284-моддалар**

**У. ИНОЯТОВ**

**А. АБДУХАКИМОВ**

*Келишилган:*

**Б. ХОДЖАЕВ**